

Глобаллашув ва модернизация замонавий жамият тараққиётининг муҳим хусусияти сифатида

Ҳамида Абдумажидова
Фотимабону Камариддиновна Камариддинзода
СамДТУ

Аннотация: Мақолада глобаллашув, ахборотлашув ва модернизация жараёнлари, уларнинг ривожланиш парадигмаси, ўзаро алоқадорлиги, цивилизациявий тараққиётда тутган ўрни масалалари ижтимоий-фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинган. Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётида глобаллашув, ахборотлашув ва модернизация жараёнларининг тутган ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: глобаллашув, ахборотлашув, модернизация, парадигма, цивилизациявий тараққиёт, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт соҳаларига глобаллашув, ахборотлашув ва модернизация жараёнларининг таъсири

Globalization and modernization as an important feature of the development of modern society

Hamida Abdumajidova
Fatimabonu Kamariddinovna Kamariddinzoda
SamSMU

Abstract: The article analyzes the processes of globalization, informatization and modernization, their development paradigm, their interrelationship, and their role in civilizational development from a socio-philosophical point of view. The role and importance of the processes of globalization, informationization and modernization in the economic, socio-political and spiritual development of Uzbekistan have been shown.

Keywords: globalization, informatization, modernization, paradigm, civilizational development, the impact of globalization, informatization and modernization processes on the economic, socio-political, and spiritual spheres of society

Ҳозирги давр жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучаяётган, инсониятнинг ахборотлашган жамият босқичига ўтиши тобора чуқурлашиб,

ижтимоий ҳаётда модернизация жараёнининг ўрни ҳамда аҳамияти ошиб бораётган даврдир. Бугунги кунда глобаллашув инсоният жамияти тараққиёти ва ижтимоий жараёнларнинг жаҳон миқёсида интеграциялашиб, оламшумул аҳамият касб этиб боришини ўзида ифодаловчи тушунча бўлиб, глобаллашув коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициялардаги янги жараёнлар, дунёга янгича қарашнинг вужудга келишида намоён бўлиши билан модернизация тушунчасига бевосита боғлиқ холда намоён бўлади. Глобаллашув муайян ҳодиса, жараённинг кўплаб минтақалар, давлатлар ва бутун ер юзини қамраб олганини ҳамда уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканлигини англатувчи тушунча бўлиб, кўпгина илмий адабиётларда глобаллашув латин тилидаги “globus”-шар, француз тилидаги “global”-умумбашарий сўзларини ўзида ифодалаши эътироф этилган.

Бугунги кунда глобаллашув замонавий цивилизация тараққиётининг муҳим хусусиятини ўзида ифодалаб, у жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий соҳаларини қамраб олади. Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини ифодаловчи технологик глобаллашув, ижтимоий- сиёсий жараёнларни ўзида ифодаловчи сиёсий глобаллашув, фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув жараёнлари содир бўлмоқда.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида ғоявий жараёнларга таъсир кўрсатишидир.

Глобаллашув жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига таъсир кўрсатиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамияти билан боғлайди. Бугунги кунда глобаллашув жамият тараққиётидаги қонуний тарихий жараён бўлиб, глобаллашув жараёни инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини ўзида ифодаламоқда. Жамият ҳаётидаги бу янги сифат даражаси ахборот-техникавий ёки ахборот-компьютер цивилизацияси сифатида эътироф этилмоқда. Ахборот технологияси иқтисодиёт ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларидан кейинги ўринни эгаллайди.

Глобаллашув ва ахборотлашув барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Мафкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожига ва бу соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби ходисаларни ўзида бирлаштирувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш имкониятига эга. Радио, телевидение, Интернет энг сўнгги илмий янгиликларни қисқа вақтда бутун дунёга маълум қилишга, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ютуқларидан ҳар бир одам фойдалана олишига замин яратмоқда. Интернет

бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига айланиб, бугунги кунда Интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари, Интернет тизимини ривожлантирмасдан туриб, мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш, барқарор тараққиётга эришиш ҳақида сўз юритиш мумкин эмас, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Ҳаётимизнинг энг муҳим жабҳалари учун юксак технологиялар, илмий ишланмалар яратиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, жаҳон ахборот технологиялари бозорида муносиб ўрин эгаллаш масаласига устувор аҳамиятга эга вазифа сифатида қарашимиз зарур¹.

Маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви ҳам ижобий ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариб, бир томондан маънавий глобаллашув натижасида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган илм – фан, маданият ва санъат, маънавий мерос ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига кириб келиши баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳамда янги технологик воситалар асосида халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида хикоя қилувчи чуқур таҳлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётий манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброк аҳамият касб этмоқда.

Жамият тараққиёти бу узлуксиз ўзгариш, ривожланиш, янгилиниш жараёнидан иборат бўлиб, модернизация жараёни жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий - сиёсий, маънавий- мафкуравий соҳаларида амал қилади.

Модернизация, модернизациялаш француз тилидаги модерне сўзидан олинган бўлиб, энг янги, замонавий деган маънони билдиради. Модернизация, модернизациялаш -бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартиришдир. Модернизация ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тааллуқли жараён бўлиб, кундалик ҳаётда кўпроқ иқтисодий соҳада намоён бўлади. Иқтисодий ҳаётдаги турли машина, аппарат,

¹ Мирзиёев Ш.М. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш – халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил, 86 бет.

турли технологик қурилмалар, муҳим кашфиётларнинг техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланиши бу иқтисодий, технологик модернизацияга тааллуқлидир.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб модернизация жараёнлари глобал хусусиятга эга бўлди. Олдинги даврда амалга оширилган модернизация жараёнлари глобаллашувни келтириб чиқарди. Глобаллашув модернизациянинг манбаси ва ресурсига айланиб, натижада жаҳон миқёсида кўпгина туб сифат ўзгаришлари содир бўлди. Глобаллашув жамиятдаги иқтисодий, ҳуқуқий, информацион, маърифий соҳалардаги интеграция жараёнларини ҳаракатга келтиришда намоён бўлиб, у жамиятдаги модернизация жараёнларининг ҳозирги, замонавий босқичи сифатида эътироф этилмоқда.

Замонавий глобаллашув даврида билим асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қабул қилинмоқда. Ҳозирги даврда мураккаб, ўз-ўзини ташкил этадиган, синергетик характерга эга бўлган тизимлар замонавий жаҳон фанининг объектига айланмоқда. Фанда интеграция, дифференциация, глобаллашув жараёнлари кучаймоқда. Бугунги кунда фан борган сари кадриятлар билан узвий ҳолда ривожланмоқда, унинг гуманизациялашуви, унинг экологик мувозанатни сақлашдаги тутган ўрни ва аҳамияти ортиб бормоқда. Шунингдек, глобаллашув парадигмасида “моддий” ресурслар эмас, “номоддий” ресурслар, яъни билим, ноу-хау, ахборот тизими ва патентларни, илмий ахборотни бошқариш аҳамиятли бўлиб бораётганлиги сабабли келгусида ҳам жамият тараққиёти фан, билимлар билан узвий боғлиқликда ривожланиши эътироф этилмоқда. Айниқса, жамиятнинг келажаги асосан генетика, материалшунослик, энергетика, сунъий интеллект, инсон миясини ўрганиш, билимлар динамикаси, билимларни бошқариш, глобаллашув даврида қандай билимларни трансляция қилиш, экология соҳаларидаги ютуқларнинг амалиётга қўлланиш даражасига боғлиқ бўлади. Натижада олимларнинг халқаро илмий ҳамкорлигига талаб янада кучаяди².

Бугунги кунда, глобаллашув шароитида кўпгина давлатларнинг миллий давлатчилик моделларидаги модернизация жараёнларида анъанавийлик ва замонавийликнинг уйғун ҳолатда намоён бўлиши ҳамда бир - бирига таъсир кўрсатиши содир бўлмоқда. Марказий Осиё мамлакатлари-Ўзбекистон, Қозоқистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон давлатларининг бугунги кундаги тараққиёт йўли ҳамда жамият ҳаётидаги модернизация жараёнлари ижтимоий ривожланишнинг формациявий йўлидан цивилизациявий тараққиёт йўлига ўтиш тарзида намоён бўлмоқда. Мустақилликгача ягона иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳудуд таркибида бўлган Марказий

² Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили. [тўплам] / ЎЗР ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти; масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. Т.: Noshir, 2010 йил, 58 бет.

Осиё республикалари мустақилликдан сўнг ҳар бири ўзига хос бўлган тараққиёт йўллари танилаб бугунги кунда ўзининг цивилизациявий тараққиёт йўлидан ривожланмоқда. Марказий Осиё давлатларининг цивилизациявий тараққиёт йўлида умумий ҳамда ўзига хос бўлган жиҳатлари мавжуддир. Бугунги кунда, глобаллашув шароитида миллий давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёт соҳаларига бошқа халқлар маданиятлари, кадрлар ҳамда геополитик мақсадларининг таъсири кучаймоқда. Бугунги глобаллашув шароитида иқтисодий, ижтимоий -сиёсий, маънавий - маърифий соҳалардаги ҳаёт суръатлари ҳам бир мунча тезлашиб, одамларнинг онги, тафаккури, дунёқараши ва билим савиясида бир мунча ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Замонавий жамиятни барпо қилиш жараёни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини модернизация қилишни талаб қилади. Иқтисодий ҳаёт соҳасида амалга оширилган модернизация жараёнлари, технологик янгиликлар жамиятнинг ижтимоий -сиёсий ҳамда маънавий -маърифий соҳаларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Техника, технология соҳасидаги модернизация жараёнлари жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан юксалишига доимо ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Технологик модернизацияга катта таъсир кўрсатувчи фан-техника тараққиёти ўзининг ҳозирги босқичида микроэлектроника, биотехнологияларнинг ривожланиши, ялпи компьютерлаштириш ва ҳоказолардан иборат бўлмоқда. Иқтисодий тараққиётда технологик модернизация жуда катта аҳамиятга эгадир.

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётидаги модернизация жараёнлари ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам бевосита ўз таъсирини ўтказиб, жамиятнинг ижтимоий- сиёсий ҳаётидаги модернизация жараёнлари бошқарув тизимининг такомиллашуви билан, ижтимоий ҳаётда ўзини - ўзи бошқарув тизимининг янада мукамаллашуви, ижтимоий ҳимоя тизимининг мустаҳкамланиши, ҳуқуқий соҳада модернизация жараёнлари қонунларнинг такомиллашуви ҳамда ҳуқуқий давлатнинг барпо этилиши билан амалга ошади. Анъанавий миллий давлатчилик моделидан умуминсоний кадрларга таянган ҳолда замонавий давлатчилик моделидаги меъёр ва тамойилларга таяниш сиёсий тизимдаги модернизация жараёнлари асосида амалга оширилади.

Маънавий ҳаётдаги модернизация жараёнлари маънавий кадрларни тиклаш, замонавийлаштириш, маънавий соҳада янгилик яратишдан иборат бўлиб, маънавий соҳадаги янгилиниш жараёни ўтган авлодлар маънавий меросидан фойдаланиш, уни ҳозирги замон даражаси билан боғлаш, замонавий умуминсоний маънавий бойликларга таянган ҳолда ривожлантириш асосида амалга оширилади. Юксак маънавийлик замонавий жамият тараққиётининг асосий омилларидан биридир.

Ҳозирги даврда глобаллашув жамият ҳаётининг барча соҳаларига бевосита таъсир кўрсатаётган бир шароитда миллий маънавият, миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш, маънавий юксалиш жараёнларига асосий эътибор қаратилмоқда. Жамият ҳаётининг маънавий соҳасидаги модернизация жараёнлари миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, турли маданиятларнинг ўзаро бир-бирига таъсир этиб, бир-бирини бойитиши, маданият ва санъат, илм-фан соҳасидаги янгиликлар, кашфиётларнинг маънавий ҳаётимизга кириб келиши ҳамда уни янада бойитиши тарзида намоён бўлади. Турли техник, технологик воситаларнинг таълим, фан, санъат, матбуот соҳаларига кириб келиши ҳам маънавий ҳаёт соҳасига бевосита ўз таъсирини кўрсатадиган, моддий маданият соҳасида амалга оширилаётган модернизация жараёнларидир. Маънавий ҳаёт соҳасида амалга оширилаётган модернизация жараёнлари таълим, фан, маданият ва санъат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб, жамиятни янги тараққиёт босқичига, маънавий юксалишга олиб чиқади.

Мустақилликдан кейинги ўтган давр мобайнида Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий меъёрий асослари яратилди, асосий қонун-Конституция қабул қилинди. Миллий давлат тизими анъанавий давлатчилик ғоялари ва жаҳон давлатчилиги илғор тажрибаларининг синтези шаклида барпо этилди. Бошқарувда янги усуллар қарор топди. Маҳаллий давлат ҳокимияти тизими тубдан ўзгариб, нодавлат - ноижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органларининг ваколатлари кенгайтирилди. Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотлар ҳамда глобаллашув шароитида жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган модернизация жараёнлари кўриб ўтиладиган бўлса, энг аввало Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими шакллантирилди, жамият ҳаётида соғлом демократик жараёнлар муҳити вужудга келтирилди. Инсон ҳақ- ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари вужудга келтирилиб, суд ҳокимияти ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ тамойиллари негизида тубдан ислох қилинди. Миллий ҳавфсизлик концепцияси ишлаб чиқилиб, мамлакат ҳудудий яхлитлигини ва тинчлигини таъминлашга қодир бўлган замонавий қуролли кучлар тизими яратилди. Шунинг учун бугунги кунда модернизация жараёнлари иқтисодиётни ҳам, бошқаришни ҳам, маънавий ҳаётни ҳам, суд - ҳуқуқ тизимини ҳам, мамлакат мудофааси, қуролли кучларни ҳам қамраб олган кенг қамровли жараёндир.

Ўзбекистонда жамият ҳаётини модернизация ва ислох этиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олди. Республикада хусусий мулкка эгалликнинг янги тизими барпо этилди. Миллий қадриятларни тиклаш ва ворислик анъаналарига садоқатли авлодни тарбиялаш концепцияси ишлаб чиқилди. Глобаллашув шароитида

маънавий ҳаётимизга кириб келаётган зарарли ғоялар ҳамда мафкуралардан ҳимоя қилишнинг муҳим омили, мамлакатимизни озод ва обод жамиятга айлантириш, Ватан равнақини маънавий таъминлаб беришга қаратилган назария - миллий истиқлол ғояси шаклланди.

Давлатнинг инновацион янгилашиш дастурини шакллантириш, инновация ва инвестициялардан самарали фойдаланадиган янги авлод кадрларини, янги сармоядорлар синфини тайёрлаш ўта муҳим аҳамиятга эга, - дейди Президент Шавкат Мирзиёев, - Бунинг учун Ўзбекистонни технологик ривожлантириш ва ички бозорни модернизация қилиш бўйича кучли миллий ғоя, миллий дастур керак. Ушбу дастур Ўзбекистонни жаҳондаги тараққий топган мамлакатлар қаторига тезроқ олиб чиқишга имкон яратиши лозим³.

Миллий истиқлол моҳияти ва мустақиллик ғояларини англашда буюк шахслар, атоқли алломалар ҳақидаги тарихий ҳақиқат рўёбга чиқарилди. Миллий урф -одатлар, қадриятлар ва анъаналарнинг тикланиши асосида янги жамият қуришда маънавий - маърифий тарғибот ва таълим тарбиянинг роли оширилди. Бу соҳадаги ислоҳотлар, янгилаш ва модернизация жараёнлари изчил равишда давом эттирилмоқда.

Ўзбекистонда давлат ва жамият ҳаётини модернизация этиш жараёнлари жамият ҳаётининг барча соҳаларида “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси асосида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари глобаллашув шароитида Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувига ижобий таъсир кўрсатиб, замонавий, техник, технологик тараққий этган, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо қилишга ёрдам бермоқда. Шу билан биргаликда замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат ва шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш масаласига давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда катта эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, барқарор ривожланишни таъминлаш-халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини яратишнинг кафолатидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2017 йил.

³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил, 116 бет.

2. Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили. [тўплам] / ЎзР ФА, И.М.Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти; масъул муҳаррир М.Н.Абдуллаева. Т.: Noshir, 2010 йил.
3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 2018 йил.
4. Namida A., Juraboy Y. Cooperation in central Asia as a priority direction of foreign policy of Uzbekistan // Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. - 2021. - Т. 9. - №. 12. - С. 175.
5. Namida A. PHILOSOPHICAL AND METHODOLOGICAL ISSUES OF THE PARADIGMAL APPROACH TO THE CONCEPT OF MODERNIZATION // Archive of Conferences. - 2020. - Т. 10. - №. 1. - С.15-18.
6. Ж.Фазлиддинов, Ҳ.Абдумажидова. Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг фаоллашуви ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар// Таълим ва ривожланиш таҳлили онлайн илмий журнали -2022. 69-74 Б.
7. Махмудова, А. Н., & Вафаева, Д. Б. (2023). Особенности формирования гражданского общества в Узбекистане. Science and Education, 4(1), 766-776.
8. Махмудова, А. Н. (2020). Правовая социализация молодого поколения в правовом государстве. дистанционные возможности и достижения науки, 97.
9. Махмудова, А. Н. (2020). Шахс ҳуқуқий ижтимоийлашувида ижтимоий назорат тушунчаси ва тизими. международный журнал Консенсус, 1(1).
10. Умриллоев, Л. Ф. Ў., & Махмудова, А. Н. (2022). Глобаллашув шароитида ёшларимизнинг маънавиятига таъсир этувчи омиллар, уларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг зарурийлиги. Science and Education, 3(7), 270-279.
11. Махмудова, А. Н. ШАХСИ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ НАЗОРАТИДА ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ. FALSAFA VA HAYOT XALQARO JURNAL ФИЛОСОФИЯ И ЖИЗНЬ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ PHILOSOPHY AND LIFE, 71.
12. O'tayev, S. T., & Mahmudova, A. N. (2023). O'zbekiston Respublikasining sog'liqni saqlash tizimida hozirgi kunda neyroxirurgiya yutuqlari. Science and Education, 4(2), 190-194.
13. Nugmanovna, M. A. (2022). Bioethics as a form of protection of individuality and personalized medicine. Thematics Journal of Social Sciences, 8(4).
14. Nugmanovna, M. A. (2022). LEGAL-REGULATORY SYSTEM IN CIVIL SOCIETY CONTROL OF THE PROCESS OF LEGAL SOCIALIZATION OF INDIVIDUALS. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-1).

15. Nugmanovna, M. A. (2022). ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-1).

16. Мухамедова, З. М. (2022). ЭТИЧЕСКАЯ СТРАТЕГИЯ ЗАКОНОТВОРЧЕСТВА В ОБЛАСТИ БИОЭТИКИ И ПРАВ ЧЕЛОВЕКА. Academic research in educational sciences, (1), 28-32.

17. Hamida, A. (2020, December). Philosophical and methodological issues of the paradigmatic approach to the concept of modernization. In Archive of Conferences (Vol. 10, No. 1, pp. 15-18).

18. ABDUMAJIDOVA, H., & MIR-JA'FAROV, S. J. YOQUT HAMAVIY ASARLARIDA NASAF ALLOMALARINING ZIKRI. ИНТЕРНАУКА Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Интернаука, 18-20.

19. Hamida, A. (2022). IMPACT OF MODERNIZATION OF THE CENTRAL ASIAN COUNTRIES ON THE ACTIVITY OF SOCIO-POLITICAL RELATIONS. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-2).

20. Nugmanovna, M. A. Legal socialization and individual deviant rights: relationships. falsafa va hayot xalqaro jurnal, 49.

21. Nugmanovna, M. A. (2024). Ethical Problems Of New Reproductive Technologies. Miasto Przyszłości, 9-12.

22. Madinabonu, S., & Nugmanovna, M. A. (2024). THE ROLE OF LEGAL CULTURE IN THE FORMATION OF THE YOUNGER GENERATION IN THE EDUCATION SYSTEM. Journal of Modern Educational Achievements, 5(5), 213-219.

23. Shuhrat o'g'li, R. A., Obidjon o'g'li, B. O., & Hamida, A. (2024). Interrelationship of Civilization, Development, Modernization Processes. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 4(5), 264-269.

24. Nugmanovna, M. A., Zukhrabonu, K., & Madinabonu, S. (2024). The Role of Legal Culture in the Education System. Research Journal of Trauma and Disability Studies, 3(2), 368-372.

25. Khamida, A. (2022). ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВ ЖАРАЁНЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР ФАОЛЛАШУВИГА ТАЪСИРИ. PHILOSOPHY AND LIFE INTERNATIONAL JOURNAL, (SI-1).

26. Nugmanovna, M. A., & Kamariddinovna, K. Z. (2023). LEGAL SOCIALIZATION OF THE INDIVIDUAL AND LEGAL CULTURE IN MODERN CIVIL SOCIETY. " GERMANY" MODERN SCIENTIFIC RESEARCH: ACHIEVEMENTS, INNOVATIONS AND DEVELOPMENT PROSPECTS, 9(1).

27. Абдумажидова, Х., Мухторов, А., & Зиёдуллаева, М. (2023). **МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЎЗБЕКИСТОН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТДАГИ УСТУВОРЛИГИ.** Инновационные исследования в современном мире: теория и практика, 2(2), 32-38.

28. Мухамедова, З. М. (2017). Актуальные проблемы этики в стоматологическом образовании. Гуманитарный трактат, (14), 20-23.

29. Мухамедова, З. М. (2017). Этические категории в клинической стоматологии. Гуманитарный трактат, (15), 22-25.

30. Мухамедова, З. М. (2022). **ИССЛЕДОВАНИЕ КЛЮЧЕВЫХ ПРОБЛЕМ БИОЭТИКИ ИСЛАМЕ: СОВРЕМЕННОСТЬ.** Academic research in educational sciences, (1), 114-119.

31. Мухамедова, З. М. (2018). Противодействие коррупции в сфере медицины. Юридический факт, (26), 94-97.

32. Мухамедова, З. М. (2023). **ПРОГРЕСС БИОТЕХНОЛОГИЙ КОНТЕКСТЕ ФИЛОСОФСКОПРАВОВОГО ОСМЫСЛЕНИЯ.** Academic research in educational sciences, 4(7), 64-72.